



ПРЕЗИДЕНТ ШАВКАТ МИРЗИЕВ ХХР РАИСИ СИ ЦЗИНЬПИННИ ЛАВОЗИМИГА ҚАЙТА САЙЛАНГАНИ БИЛАН ТАБРИКЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпинга Бутунхитой халқ вакиллари йиғинининг 14-чакриқ биринчи сессиясида олий лавозимга қайта сайлангани муносабати билан табрик йўллади.



ҚУРИЛИШ ЛОЙИХАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев Янги Тошкент, Имом Бухорий мажмуаси ва қатор бошқа қурилиш лойиҳалари тақдироти билан танишди.



БОШ ҚОМУСИМИЗГА ОИД РЕФЕРЕНДУМ 30 АПРЕЛЬ КУНИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонуни лойиҳаси қабул қилинди. Депутатлар уни қўллаб-қувватлаб, овоз беришди.



КОНСТИТУЦИЯВИЙ СУД КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШГА КИРИШДИ

Референдум ўтказиш ҳақида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси қарорининг Конституцияга мувофиқлигини аниқлаш бўйича Конституциявий суднинг очиқ суд мажлиси шу йил 13 март кuni бўлиб ўтади.



ЯНГИ НИЗОМ ТАСДИҚЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамаси «Халқаро брендлар товарларининг айрим турларини бренд эгалари ёки уларнинг ваколатли етказиб берувчилари (расмий дистрибуторлар, дилерлар, ишлаб чиқарувчиларнинг савдо вакиллари ва уларнинг дистрибуторлари, лицензиатлари) билан тузилган тўғридан-тўғри шартнома асосида импорт қилувчилар реестрини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлади.



ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИ

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева мамлакатимизда амалий таширф билан бўлиб турган Жаҳон банки вице-президенти Анна Берде бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Мулоқот чоғида ҳамкорликнинг амалий жиҳатларига эътибор қаратилиб, унинг истиқболлари хусусида фикр алмашилди.

ЭЪТИРОФ

Германиянинг Берлин шаҳрида бўлиб ўтган «PATWA International Travel Awards 2023» йиллик тадбирини Ўзбекистон Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги «Марказий Осиёдаги йилнинг энг яхши туризм вазирлиги» нуфузли мукофоти билан тақдирланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига!


ОШ ТУЗИ СИФАТИНИ НАЗОРАТ ҚИЛАДИГАНЛАР БОРМИ?

Одам тузсиз яшай олмайди. Тузда етарлича йод бўлиши эса бизнинг минтақа учун ҳаётий зарурат. Ҳаммаси тушунарли. Бироқ дўконларда сотилаётган тузларнинг ҳар бирида «ЙОДЛАНГАН» деган ёрликка кўзимиз тушади ва хотиржам харид қилиб, истеъмол қиламиз. Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маркази Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси хабари асосида тарқатган кўйидаги хабарига эътибор беринг:

Ўзбекистонда 22 номдаги ош тузи талабга жавоб бермайди. Етарлича йодланмаган ош тузлари кўйидагилар: «Идеал», «Дунё», «Саховат», «Кафолат», «Сафо», «Озода-уз», «Барака», «Ошпаз», «Орол», «Ягона ишонч», «Сафир», «Зарафшон кумуш тузи», «Салина», «Азия», «Мелкая», «Ош тузи» ва «Файзли».

Бугун қандоқ бўлди? Ахир ош тузи маҳсулотини ишлаб чиқариш, сотиш аввалида унинг таркиби, сифати ва истеъмолга яроқлигини текширадиган, бунга рухсат берадиган ташкилот қани? Демак, бу ҳам коррупциями? Қонунлар ва уларнинг ижросини назорат қилувчиларимиз бундай ҳолатларда нега жим? Ёки ҳаммаси битта занжирми?

Тахририят Бош прокуратура мутасаддиларидан ушбу масалани обдон ва таҳлилий ўрганишни ҳамда ўрганишлар тафсилотларини кенг истеъмолчилар оммасига етказишларини сўраб қолади.



Фарғона вилояти

Касаба уюшма аралашгач...

Тиббий кўрик харажатлари ундириб берилди



Тиббий кўрик учун ходим чиқимдор бўлмаслиги Меҳнат кодекси, «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги қонун ва бошқа ҳужжатларда белгилаб қўйилган бўлса-да, ҳамон дилни хира тортирувчи ҳолатлар учраб турибди. Айнан шундай кўнгилсизлик Республика Шошлинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона филиалида кузатилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 29 апрелдаги «Тиббиёт ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 127-сонли буйруғи талабларининг ижроси ўрганилди. Шу жараёнда муассасада ишловчи 276 нафар тиббиёт ходими тиббий кўрик учун чиқимдор қилиниб, буйруқ талаблари бажарилмаганини аниқланди.

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан филиал директори номига кўрсатма хати киритилди. Натижада филиалнинг 2022 йил 2 декабрдаги тўлов қайдномаларига асосан 276 нафар ходимга тиббий кўрик харажатлари учун 6 млн. 900 минг сўм миқдоридоги ҳақлари ундириб берилди.

Равшанжон ФОЗИЛОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси
Республика кенгашининг Фарғона вилояти
бўйича меҳнат инспектори

ЯХШИ ДАМ – МЕҲНАТГА ҲАМДАМ

Миннатдорлик



Ногаҳон қўл телефоним жиринглади. Гўшақка кулоқ тутгандим, «Устоз, сизга касаба уюшмалари томонидан «Чортоқ» санаторийсида дам олиш учун бепул йўлланма ажратилди», деган хушxabарни эшитдим. Тўғриси, бу янгиликдан кўнглим тоғдек кўтарилди.

Менга йўлланма Мактабга ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсати қарори асосида ажратилган экан. Натижада сўлим ва бетакрор ҳудудда жойлашган, минг бир дардга даво тоза об-ҳавоси ва бетакрор табиати билан тилга тушган, ҳамма шарт-шароитлар муҳайё этилган сихат-гоҳда мароқли ҳордиқ чиқариш имкониятига эга бўлдим.

Эътиборли жиҳати, юртимизда жон кўйдириб, ҳалол ишлаганларнинг меҳнатлари ҳар томонлама эътироф этилиб, эъзозланаётганини дам олиш жараёнида яна бир бор ҳис этдим. Оддий ўқитувчиларнинг меҳнати ҳам қадрланаётганига яққол ишонч ҳосил қилдим.

Дарвоқе, кейинги йилларда мамлакатимизда ўқитувчи ва мураббийлар мавқеи янада кўтариш, иззат-ҳурматини жойига қўйиш йўлида кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Жумладан, уларнинг сихатгоҳларда мароқли дам олиб, соғлиқларини тиклашлари учун катта имкониятлар яратилмоқда.

Эзгу мақсадларга йўналтирилган ислоҳотларни амалиётга татбиқ этиш ишларига Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмасининг Жалақудуқ тумани бўлими Кенгаши ҳам салмоқли ҳисса қўшмоқда. У ўз фаолиятини «Инсон қадри учун» ғояси асосида олиб бормоқда. Шу асно ишчи-ҳодимларни соғломлаштириш масаласига алоҳида эътибор билан ёндашмоқда. Чунки мароқли ҳордиқ, кўнглили саёҳат инсонга ҳаммиша янги куч ва завқ бағишлайди. У иш унумдорлигини оширишга, янги ғоя ва ташаббуслар билан чиқишга чорлайди.

Буни мен ўз меҳнат фаолиятим ва оилавий ҳаётимда сезиб-билиб турибман. Шу боис соҳа фидойиларидан миннатдорман.

Гулнораҳон САДИРОВА,
Жалақудуқ туманидаги 23-умумий
ўрта таълим мактаби директори

Азиз газетхонлар!
Сизга «Ishonch» газетаси ўз вақтида етиб бораётими? Бу борада муаммолар бўлса, телеграмдаги «Муштарий минбари» каналига – t.me/ishonchmurojaat манзили орқали муурожаат қилинг.
Сизнинг ишончингиз – биз учун муҳим!



Жиззах вилояти



Ўқув-семинар



Сирдарё вилояти

Тақдимот

Ишлар кўлами кенг

Боёвут туманида «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш бўйича ўтган йили амалга оширилган ишлар ҳамда жорий йилда режалаштирилган тадбирларга бағишланган тақдимот ўтказилди. Унда касаба уюшма вакиллари, ҳудуднинг сектор раҳбарлари, маҳалла ва хотин-қизлар фаоллари иштирок этдилар.



Ўтган йили 2 минг 91 нафар эҳтиёжманд хотин-қиз «Аёллар дафтари»га киритилган бўлиб, уларга пешма-пеш турли ёрдамлар кўрсатилди. Жумладан, 745 нафарининг бандлик масаласи ечимини топди. 20 нафари касб-хунарга ўқитилди. 184 нафарига тадбир-

корлик фаолиятини амалга ошириш учун кредитлар ажратилди. 291 нафарига моддий, 209 нафарига тиббий ва 423 нафарига ҳуқуқий, 368 нафарига психологик кўмак берилди. Шунингдек, 22 нафар аёлнинг уй-жой билан боғлиқ ташвишлари ариди. Ушбу мақсадлар учун «Аёллар дафтари» жамғармаси ҳамда тижорат банклари томонидан 1 млрд. 139 млн. 764 минг сўм маблағ йўналтирилди.

Инсоннинг эҳтиёжи ва имкониятини билишнинг энг осон йўли – у билан самимий мулоқот қилиш деган кўрсатмага амал қилиб, жорий йилда ҳам хонадонларга бориб мулоқот қилинди.

Боёвут тумани вилоятнинг энг катта ҳудуди бўлиб, айни пайтда 39 та маҳалла фаолият йўлга қўйилган. Хатлов натижасига кўра, туманда 30 ёшдан юқори бўлган аёллар

сони 26 минг 162 тани ташкил этиб, 4 минг 189 таси 4-босқич «Аёллар дафтари»га киритилган бўлди. Тақдимотда дафтarda қайдларнинг ечими баён этилди. Масалан, 1 минг 491 нафар аёлнинг бандлигига қуйидагича кўмаклашлади: мавжуд ва янги иш ўринларига ишга жойлаштириш, касаначилик ва субсидиялар ажратиш, касб-хунарга ёки тадбиркорликка ўргатиш. Бунинг учун соҳа мутахассисларидан иборат ишчи-гуруҳлар шакллантирилган. Жорий йилда «Аёллар дафтари»га киритилган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш учун 4 млрд. 285 млн. 600 минг сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилган.

Бахтиёр ҲАЙДАРОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сирдарё вилояти кенгаши бўлим бошлиғи

Барча масалалар қамраб олинди

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар ҳар соҳада янгила-ниш, имкониятлардан унумли фойдаланиш, айниқса, меҳнат муносабатларини қонун доирасида амалга оширишни тақозо этади. Шў боис янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида фўқароларни меҳнатга жалб этишнинг давр талабларига монанд шакллари ўз ифодасини топди.

Айни кунларда жойларда ушбу кодекснинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига бағишланган семинарлар, турли тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жиззах шаҳар кенгаши ташаббуси билан 10-умумтаълим мактабида ташкил этилган семинарда янги кодекснинг мазмун-моҳияти муфассал тушунтирилди.

– Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексида

меҳнат муносабатларига доир қатор янги нормалар акс этди. Ушбу ҳужжатнинг ҳажми амалдагисига нисбатан деярли 3 баробар катта бўлиб, 600 га яқин моддани ўз ичига олган, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Жиззах шаҳар кенгаши раиси Рустам Исоқов. – Шунингдек, ўта муҳим масала – болаларни парваришlash ва уларнинг тарбияси билан боғлиқ қўшимча оилавий мажбуриятларга

эга шахслар доирасини белгилашга бўлган ёндашув ҳам бирмунча ўзгартирилмоқда. Кодексда ота-онадан қайси бири болани парваришlash билан шуғулланишини ҳамда тегишли имтиёзлар ва кафолатлардан фойдаланишини ўзи ҳал қиладиган ҳолатлар назарда тутилган.

Семинарда иштирокчиларнинг барча саволларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Жиззах вилояти кенгаши Меҳнат инспекцияси бошлиғи Сўҳроб Нуруллаев, Жиззах вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори Икром Жабборов томонидан батафсил жавоблар берилди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

Қашқадарё вилояти

Семинар



Мамлакатимизнинг ҳар бурчида улкан бунёдкорлик ишлари кетаётир. Туман марказлари, қишлоқ ва маҳаллаларда қурилаётган уйлар, ижтимоий соҳа объектларида минглаб фўқаро иш билан банд. Аммо, афсуски, меҳнат қилаётган барча ишчилар билан ҳам қонуний меҳнат шартномалари тузилган ёки улар жамоа шартномаларида белгиланган имтиёзлардан тўла фойдаланишяпти, иш ҳақини тўлиқ олишяпти, дея олмаймиз.

Зеро, оғзаки келишувга кўра фаолият кўрсатаётган, меҳнат муҳофазаси ҳамда техника хавфсизлиги қоидалари талабларига тўла жавоб бермайдиган шароитларда ўз вазифаларини сидқидилдан бажараётган қурувчилар ҳам кўпчиликни ташкил этади.

Қурувчилар ҳимояси йўлида

Қарши шахрида Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси бошланғич ташкилоти етакчилари ҳамда корхоналарнинг кадрлар бўлими нозирлари иштирокида ўтган семинарда айнан шу каби қонунбузилишларнинг олдини олиш масаласига эътибор қаратилди.

Хусусан, тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ходимларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш бўлими бошлиғи Шоҳиста Чориева янги таҳрирдаги Меҳнат кодексига киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ҳақида слайдлар ёрдамида кенг тушунча берди. Тузиладиган жамоа шартномаларига янгилашган Кодекс талаблари асосида бандлар киритилиши бўйича фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ўз навбатида, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш

индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилояти ҳудудий кенгаши раиси Боймурод Мейлиев етакчиларни жамоа шартномасининг бажарилишига доир йўғилишларни таҳлилий ва танқидий руҳда, ходимларнинг фаол фикр-мулоҳазалари ҳамда таклифлари асосида ўтказишга чақирди.

Шунингдек, Касаба уюшмалари Федерациясининг Қашқадарё вилоятидаги меҳнат ҳуқуқ инспектори Шамсиддин Сатторов йўғиланларнинг меҳнат қонунчилигига оид саволларига жавоб қайтарди.

Жонли мулоқот руҳида ўтган семинар сўнгида тармоқ касаба уюшмаси ҳудудий кенгаши томонидан бошланғич ташкилотлар етакчиларига янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси китоблари тақдим қилинди.

Акмал АБДИЕВ
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Тадбир

Фидойилар тақдирланди

Касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши Халқаро хотин-қизлар байрами муносабати билан ташкил этган тадбирга «Аёллар дафтари»ни юриштида жонбозлик кўрсатиб, ҳудудлардаги ижтимоий ҳимояга муҳтож хотин-қизлар муаммоларини ҳал этишга ҳисса қўшиб келаётган туман, шаҳар ҳокимликларининг оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиқлари ҳамда ҳамкор ташкилот вакиллари таклиф этилди.

Аёлларнинг муаммоларини ижобий ҳал этиб, ҳаётдан рози бўлиб яшашларига ҳисса қўшаётган фидойиларга вилоят кенгашининг байрам совғалари топширилди.

– Аввало, озми-кўпми, қилган меҳнатимиз эътироф этилаётганидан хурсандмиз. «Аёллар дафтари» кўплаб кўмакка муҳтож, эҳтиёжманд, қийналган хотин-қизларнинг ҳаётини бутунлай ўзгартириб юборди. Жумладан, 4-босқичда уйма-уй юриш орқали 30 ва ундан катта ёшдаги 21 минг 231 нафар хотин-қиз хатловдан ўтказилиб, 2 минг 800 нафари 6 тоифа бўйича дафтарга киритилди, – дейди Қувасой шаҳар Оила ва хотин-қизлар бўлими бошлиғи Н.Убайдуллаева. – Эндиликда асосий вазифамиз уларнинг бандлигини таъминлаш, касб-хунарга йўналтириш, моддий ва маънавий кўмак беришдан иборат бўлади.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»



Фаолият

Тошкент шаҳри

Слайдлар воситасида тушунтирилди

Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ва Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт маркази Давлат муассасаси тиббиёт ходимлари иштирокида семинар бўлиб ўтди.

Унда ходимларга янги таҳрирдаги Меҳнат кодексидagi ўзгартиришлар, уларни амалда қўллаш механизмни ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида сўз борди. Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислохотларни меҳнат қонунчилиги асосида олиб бориш борасида керакли маслаҳатлар берилди.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз-

лиги хизматининг тўғри ташкил этилиши меҳнат инспекторлари томонидан кўрғазмалли тарзда слайдлар воситасида тушунтириб берилди.

Семинар савол-жавобларга бой бўлди.

Муҳиддин СОДИҚОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Самарқанд вилояти

Ана холос!



Меҳнат тартибини топтаманг

Жомбой тумани тиббиёт бирлашмасида буйруқларни расмийлаштириш, ходимларга қўшимча ҳақ тўлашда жиддий ҳатолликлар бор. Хусусан, маъмурият томонидан ўтган йилнинг январь-февраль ойида расмийлаштирилган 341 та, апрель ойидаги 56 та буйруқ билан ходимлар таништирилган эмас. 2 та буйруқ мазмунан тушунарсиз, ҳаттоки асл мақсадини ҳам англаб бўлмайд.

Таяжжубланарли жиҳати, ўтган йили ишга олинган 8 нафар мавсумий ишчи ва бошқа вазифаларга қабул қилинган 35 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномасида иш берувчи имзоси ва ташкилот муҳри йўқ. Иш берувчи томонидан 40 нафар ходимга 4 кундан, жами 160 кунлик қўшимча таътил учун ҳақ тўлаб берилмаган.

Боз устига, тармоқ келишувининг бир қатор шартлари иш берувчи томонидан қўпол равишда бузиб келин-япти. Масалан, келишувнинг 4.15 бандига асосан кечки, яъни 18.00 дан 22.00 гача ишлаган ходимлар маошига иш ҳақининг 0,25 фоизи миқдорида қўшимча тўлов белгилаб қўйилган бўлса-да, бунга амал қилинмаяпти. Айни пайтда иш берувчининг қўшимча иш бажарган ходимларга тўлаб бермаган маблағи миқдори 481 миллион 992 минг 901 сўмни ташкил этмоқда.

Жамоат назорати тартибидagi ўрганишларда аниқланган камчиликлар юзасидан иш берувчига тақдимнома киритилди. Лекин унинг ижросини таъминлаш масаласи ҳа-мон очқлигича қолмоқда...

Ғолижон РУСТАМОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат инспекциясининг Самарқанд вилояти бўйича меҳнат ҳуқуқ инспектори



Мен Мирзон Нурбоевни аввалига «айтгани айтган, дегани деган» раҳбар сифатида таниганман. У катта расмий йиғилишларда ҳам оғзини тўлдириб, аждодларига хос, уруғлари лаҳжасига мос ўзбекона жўқчи шевасида гапирар, ҳар бир масалага ўз нуқтаи назаридан ёндашарди. Шунданми, дастлаб туман газетасида иш бошлаган кезларим кўзимга ўзбилармон, бетгачопар, қаҳри қаттиқ бошлиқ бўлиб кўринган. Кейинчалик билсам, у аслида қатъиятли, уddaбурон раҳбар, қўйни қийдан танийдиган ҳақиқий чорвадор, оддий чўпондан қорақўлчилик соҳасининг арбоби даражасига кўтарилган ажойиб инсон экан. Дадил-ўқтам гапиришларининг сабаби зиммасидаги вазифани қўйиллатиб қўйгани-ю, ўзининг ҳам, ўзганин ҳам ҳақиқига бийлиги экан.

У раҳбарлик қилган даврда «Қизилча» давлат наслчилик хўжалигида қўй-қўзилар сони уч баробарга кўпайиб, олти миш мингга етган. Яримдан ортиги махсуслот берадиган она қўйлардан иборат бўлган.

Мирзон Нурбоев қорақўл қўйлари зотини яхшилашга ҳам катта ҳисса қўшган. 1971 йили бир гуруҳ олим ва мутахассислар билан бирга қорақўл терининг махсус «сур» типини яратишдаги иштироки учун собиқ Иттифок Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг муаллифлик гувоҳномаси билан тақдирланган. Хўжаликнинг оламга машҳур кўк барра териларининг асосий харидори давлат бўлиб, улардан ҳарбийлар бош кийимлари тикилган.

Жамоа аҳли гўшт, жун ва бошқа чорва махсуслотлари етиштириш режаларини ҳар доим ошириб бажариши натижасида хўжаликнинг иқтисоди бақувватлашган, бора-бора миллионер хўжалик номини олган. Бунда мутахассислар ишбилармонлиги ва қобилиятига қараб танлашни муҳим аҳамият касб этган. Худуддан республика миқёсида машҳур қўлаб чорвадорлар сулоласи етишиб чиққан. Шунинг учун ҳам яйлов чорвачилигида хусусий тадбиркорликнинг намунавий шакли – оила пудрати биринчи бўлиб шу ерда ташкил этилган. Унда тажриба-таънақ хўжалиги сифатида илк кенгаш ва семинарлар ҳам ўтказилган.

Мирзон Нурбоев 1972 йил октябрдан 1992 йилгача, яъни пенсияга чиққунга қадар биринчи раҳбар сифатида фаолият юритди. Утган давр мобайнида у бошқарган хўжалик собиқ Иттифокдаги турдош хўжаликлар ўртасида муттасил 13 йил белгиланган шартлар бўйича ғолиб бўлди. Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг биринчи даражали дипломлари билан тақдирланиб, олий мукофотларга эришди. Чорвадорлар машиналар ва рағбатлантирувчи совғалар билан тақдирландилар. Ҳар йили ўнлаб чўпонлар касабга уюшма йўланмаси билан курорт ва санаторийларда дам олди. Ёзги таъ-

Чорвачиликдаги боқий таомиллар тарафдори эди

Хотира

тил пайтлари мактаб ўқувчилари хўжалик ҳисобидан машҳур шахарларга саёҳатларга юборилди. Олий ва ўрта таълим муассасаларида таълим олувчиларга оталиқ ёрдамлари кўрсатилди. Мактаб ва боғчалар ҳомийликка олинди.

Хўжаликда 3 та ўрта мактаб, 350 ўринли болалар боғчаси, чўпонлар болалари учун 140 ўринли интернат-мактаб, 50 ўринли шифохона, 500 ўринли клуб, маъмурий бино, чорвадорлар учун жами ҳажми 8 минг квадрат метр бўлган шинам уй-жойлар ва бошқа маданий-маиший объектлар қурилди. Барча отарлар изчил равишда электр энергияси ва ичимлик сув билан таъминланди. Бу ишлар қорақўлчиликдан орттирилган даромадлар эвазига амалга оширилди.

1991 йили Мирзон ака кичик ўғлини уйлантирди ва ўзининг олти миш ишони нишонлади. Тўй ва юбилей тадбири куни «Қизилча» хўжалигининг наслчилик бўйича тажрибасини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш масалаларига

Дарёдан дарёни талаб айлағил, Ва лекин ҳеч қачон уммонни кутма.

Сўнгра давом этди: «Бу Абдулла шоирди калласи тўла ақл. Жозғанини пўчоғи жўқ, бари мағиз. Қара, осонди кутма дияпти. Нима бўган ҳайранман, бугун катта-кичик кўпчилик осонди остидан, қийинди устидан журсам дияпти. Тўқсан уч-тўқсан тўртларда қанча мол жабирдан сотилиб кетганини эсласам, ҳали-ҳали журагим жизиллайди. Нима эмиш, қўй боққандан кўра четдан гўш сотиб оса орзонмиш. Шу гапти чиғарган қайси юз минан ишлаган бўса?.. Бизар кўп қийинчилик кўриб катта бўганмиш. Ҳанови уриш жиллари – ўн-ўн бир жошимдан қўй боққанман. Қорин бир кун тўйса, икки кун тўймағич эди. Жаров эркак фронтга кетган, қора меҳнатти бари қотин қалажу ўсмирга қоған давр эди. Қишлар овуру келайди. Молди бўридан, совуқтан кўриб, кечалари қўтонди ичида, қийди тўшак қиб жотардиқ. Уст-бошда жаров жўқ. Совуқдан қолтироб қўйди нурисини ичига

тўлаши лозим экан», дедим.

Мирзон ака анча вақт жим қолди. Нафасини бироз ростлаб олгач, дона-дона қилиб оҳиста гап бошлади ва айтганларини дафтаримга ёзиб олишимни сўради. Бундан кейин чорвачиликка ҳам тадбиркорлар эгалик қилишини, бироқ улар бу йўналишни тўлиқ ўзлаштириши учун анча вақт зарурлигини таъкидлади. Утган асрнинг тўқсонинчи йиллари бошларида қўйчилик борасидаги амалиёт илк синов бўлганини, қишлоқ хўжалиги раҳбарининг «Қўй боқиб, гўшт ишлаб чиқаргандан кўра, бошқа давлатлардан тайёр гўшт ва гўшт махсуслотларини сотиб олишимиз арзонга тушади» деган гапи қанчадан-қанча қўй-қўзилар арзон нархларда сотилиб кетишига сабаб бўлганини ачиниш ила эслади. Давлат қарамоғи ва таъминотидаги мол-мулклар хусусийлаштириш жараёнининг биринчи босқичида уюшмалар ихтиёрига берилгач, тайёр нарсани олиб ўрганган хўжалик раҳбарлари довлараб қолишганини, хусусийлаштириш тўлиқ амалга ошгунча яна нималардир бўлиши мумкинлигини, асосий хавф мол-мулк чорва жонкуяри қўлига эмас, нияти пул топиш бўлган корхонага ўтиб кетишида эканлигини, зооветеринария мутахассислари мардикорга айланиб қолиши эҳтимоли борлигидан чўчишини ҳам яширмади. Ер, сув, иқлим, шарт-шароит ҳар хил эканлиги боис чет элликдан кўра, аждодларимиз тажрибасини ўрганиб, амалиётга жорий этиш афзаллигини уқтирди.

Мирзон аканинг айтишича, қорақўл зотли қўйларнинг асл ватани Қизилқум. Улар йил давомида чўл, чала чўл ва қуруқ даштларда, яйловларда боқилади. Унинг асрда юртимизда бўлган араб сайёҳи Ибн Ҳавқал аждодларимиз қимматбаҳо тери берадиган қўй боқишганини битиб қолдирган. Ундан кейин яшаган бухоролик Наршахий эса бу ҳақда анча батафсил маълумотлар берган. «Бухоро тарихи» китобида шаҳар атрофидаги қишлоқларда тайёрланадиган жингалак гулли сур териларга талаб катта эканлиги, ўша кезларда қорақўлни араби қўй дейишгани ҳақида ёзган.

– Мен бу машҳур қорақўл қўйлари қай даражада сақланиб қолганини аниқ билмайман, – деди Мирзон ака афсусланиб. – Уларни табиатимиз ва иқлимимизга мослашмаган қўй ёки қўчқорлар билан чаптиштириб, қимматли олим макомига эришгандир, аммо бундан чорвачилик тайинли наф кўрмади. Утмишдаги хатоларимиз етарли бўлса-да, бир вақтлар сон ортидан қувиб, СЖКга оммавий тарзда ёпишдик.

1940 йили академик Заводовский бия қонидан сиворотка (зардоб), яъни СЖК тайёрлади. У оламшумул кашфиёт деб эътироф этилди. Амалиётда қўлланилгач, қўйлар ёппасига икки-учта, ҳатто, ундан ҳам кўп туға бошлади. Олдинлари яйлов шароитида тирик вазни 50 килограммдан ортиқ бўлган қўйлар ҳар қанча эмланиб, бўрдоқига боқилмасин, вазни 40 килограммга ҳам етмай қолди. Ёки қорақўл терини олинг: унинг юзаси сатди нормидаги 1200 квадрат сантиметр ўрнига, аксариятиники 800 квадрат сантиметрга тушди. Ўлик туғиладиган қўзилар сони кескин кўпайди. Охир-оқибат халқаро бозорга чиқолмай қолдик. Давлат харид нархи ҳам паясайиб кетди.

Мирзон Нурбоев шундай дея жимиб қолди. Сал ўтиб, менинг борлигим сезмагандай, ўзича нималардир деди. Кейин елкамга қўлини қўйиб, деди:

– Кино бўлмаса бўлмас, айтганларим эса сенга омонат. Сен уларни ёз, токи дардим ичимда кетмасин...

Суюндик Мустафо НУРОТӨЙИ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



бағишланган республика семинари бўлиб ўтди.

Нуфузли анжуманининг бу ерда ўтказилиши бежиз эмасди. Нурота қорақўлчилик борасида узоқ тарихга эга диёр ҳисобланади. Масалан, дастлабки ғишти Абул Ҳасан Нурий (VIII-IX асрлар) замонида қўйилган Чашма бўйидаги Чилустун жомеъ масжиди XVI асрда Бухоро хони Абдуллоҳон томонидан қайта тикланади, Эшонни Судур-Турсунхожа эса 1906 – 1912 йилларда уни мутлақо янги андазада қайта қурдиради. Сарфу харажат учун омборда сақланаётган беш мингта асл қорақўл терини Бухоро ва Петербург орқали Парижга жўнаттиради. Тўқсон-юз кун деганда қурилиш харажати нақд бўлади. Ёки бошқа мисол. Шўролар замонидан тўрт нафар нуроталик чорвадор – Норбой Эргашов, Абдуназар Умаров, Аввалбек Умаров ва Жумабек Ўразбаев «Меҳнат қаҳрамони» фахрий унвони соҳиби бўлган.

Семинарда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоят мутасаддилари, қишлоқ хўжалиги, қорақўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институтлари, турли вилоятлардаги қорақўлчиликка ихтисослашган хўжаликлар вакиллари ҳамда бошқа меҳмонлар қатнашдилар. Зеро, юбилей ва тўйини семинар кунига мўлжаллашдан мақсад яқин-ийроқдаги дўсту биродарларга шукрона дастурхони ёзиш эди.

Мирзон Нурбоев пенсияга чиққач, кўп ўтмай ишини топшириб, «Нурота» хўжалиги маркази бўлмиш Темирқовуқда яшовчи қариндошлари ёнига кўчиб ўтди. Мен уни йўқлаб, уйига бориб турардим. Мазмуни суҳбатларини хуш кўрардим. Бир кун бир жимлайди-да, шеър ўқиди:

**Донишманд дедик, осонни кутма,
Имкондан орқали бир имконни кутма.**

кириб кетгич эдим ...».

У чуқур хўрсиниб, оғир тин олди ва бармоғи билан кўзини сийпалади. Суҳбатимиз анча чўзилди. Фирку уйлари чорванинг эртаси бўлиб, бу соҳа хусусийлаштирилгандан кейин нималар бўлишини, хусусан, наслчилик ишларига эътибор қандай кечилиши ўз тасавурида баён этди. Туёқ сони сақланиб қолиши мумкинлигини, бу чорванинг сирти эканлигини, аммо кадр кулдатганидан чўчишини шикаста товушда сўзлади. Чорва чорвадорга берилиши кераклиги, бу соҳага унинг кўчасидан ўтмаган кишилар эга чиқса, молнинг яхшииси бозор ва қасбоб қўлига ўтиб кетишидан хавфсираб гапирди. Шароф Рашидов вақти-вақти билан ўзини чақиртириб, чорва ва чўпонларнинг шарт-шароитларига, наслчилик ишларига обдон қизиққанини, унинг тақлифларини инobatга олганини ҳам гапириб берди. Пировардида асл мурдаога ўтиб, айтганларини бир ҳужжатли телефильмга жамлаш орзусида эканини айтди...

Афсус, Мен Мирзон Нурбоев айтган ишни қилолмадим. Бу эса бир неча орден-медаллар билан мукофотланган, хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими ва хизмат кўрсатган чорвадор фахрий унвонларига лойиқ қўрилган, саккиз йил Ўзбекистон Марказий фирқа кўмитаси аъзоси бўлган инсоннинг кўнглида армон бўлиб қолди.

2001 йили Мирзон ака ҳаж ибодатини адо этиб келди. У билан сўнги бор 2009 йили Нурота шаҳридаги замонавий уйлاردан бирини олгани муносабати билан кичик тадбир ўтказишда учрашдим. Меҳмонлар тарқалгач, менадан фильм ҳақида сўради. Тўғриси айтдим, «Катта маблағ сарфланар экан, уни буюртмачи

Фаргона вилояти

Томошадаги «томошалар»

«Ташаббусли бюджет» лойиҳасининг 2-босқичида фаоллик кўрсатган Фурқат туманидаги «Томоша» маҳалла фуқаролар йиғини аҳолиси «Менинг йўлим» лойиҳасида 1 млрд. 200 млн. сўмлик маблағ ютиб олишди. Ушбу маблағ ҳисобига Мевазор, Дўстлик, Шифокор кўчаларининг 2,7 км. қисми асфальтланди.

Ёзда чанг, қишда лой кўчалар асфальт бўлганидан томошаликлар роса суюнишган эди. Аммо бу хурсандчилик кўпга бормади. Асфальтланган кўчалар уч ой ичида ҳавас қилиб бўлмас ҳолатга келиб қолди.

Айниқса, Дўстлик кўчасига ётқизилган асфальт йўлнинг ҳолати ачинарли. Асфальтланган кўчанинг йўли аллақачон сифатини йўқотиб, тошлари

кўчиб, шағалга айланган. Йўлнинг аксарият қисмида ўйдим-чуқурлар пайдо бўлган.

– Дўстлик кўчасининг асфальт бўлганига кўп бўлгани йўқ. Аммо бир қишдан чиқмасдан дабдала бўлди, – дейди шу ерда яшовчи Иброҳим Усмонов. – Асфальтлаш шу даражада сифатсиз бажарилганки, уни бемалол кўчириб ташлаш мумкин. Кўриб турибсиз, асфальт бир-бирига ёпишма-



ганидан кўчиб кетган. Ана, нариги қўлаган бундан 5-6 йил аввал асфальт бўлган. Ҳалиям ҳолати яхши турибди. Чунки ишлар сифатли бажарилган. Лекин уч ой аввал асфальт ётқизилган йўлнинг ҳолатини қаранг...

Мухбирлигимдан хабар топган томошаликлар Мевазор кўчасини ҳам бориб кўришимизни сўрашди. Аҳолининг куйинганича бор экан. Бу ердаги йўлнинг сифати Дўстлик кўчасиникидан қолишмас экан. Йўлнинг кўп жойлари кўчиб, кат-

та-катта ёриқлар пайдо бўла бошлаган. Бу манзаралар эса ишларнинг қўл учиди, сифатсиз бажарилганидан сўзлаб турибди.

Бизга маълум бўлишича, Мевазор, Дўстлик, Шифокор кўчаларини асфальтлашни тендерда ғолиб бўлган «Улугбек курувчи 1982» фирмаси амалга оширган экан. Фирма раҳбари билан телефон орқали боғланиб, суҳбатлашганимизда, йўлнинг сифатсиз ётқизилганига хавонинг совуқ бўлганини баҳона қилиб, кунлар

ишини билан май ойида қайтадан асфальтлаб берилишини айтди.

Агар фирма раҳбарининг гаплари рост бўлса, май ойида Дўстлик кўчаси қайтадан асфальт бўлади. Биз эса шу ойда бу мавзуга яна қайтамиз.

Томошаликлар эса кўчалари раvon бўлишини яна озгина кутишларига тўғри келди. Ахир улар кўчалари раvon бўлишини жуда кўп вақт кутишган.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Андижон вилояти

«Ishonch» газетасининг 2023 йил 18 февралдаги сониди «Энергетик муаммолар Андижонда қандай ҳал этилмоқда?» сарлавҳали мақола эълон қилиниб, унда вилоятда бу борада қилинаётган ишлар танқидий таҳлил этилган эди. Ушбу мақолага Иқтисодиёт ва молия вазирлиги қўйидагича муносабат билдирди:

«Ishonch»га жавоб берадилар

ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ НЕГА АРАВАНИ ҚУРУҚ ОЛИБ ҚОЧАПТИ?



Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2023 йилда қайта тикланувчи энергия манбаларини ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тадбиркорлик субъектлари ва аҳоли ўртасида қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этишни рағбатлантирувчи бир қатор механизмлар тасдиқланди.

Мазкур қарорга мувофиқ, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб умумий қуввати 100 кВтгача бўлган қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатган жисмоний ва юридик шахслар ушбу қурилмалар бўйича мол-мулк солиғи, қурилмалар билан банд бўлган участкалар бўйича ер солиғи ҳамда юридик шахслар томонидан умумий тармоққа сотган электр энергияси учун олган фойдасидан ҳисобланадиган фойда солиғини тўлашдан улар фойдаланишга топширилган пайтдан эътиборан уч йил муддатга, ўрнатилган қуёш фото электр панелларининг қувватига нисбатан 25 фоиздан кам бўлмаган қувватга эга электр энергиясини сақлаш тизими билан ўрнатилган бўлса – ўн йил муддатга озод этилиши белгиланди.

Шу билан бир қаторда, тадбиркорлик субъектларига, жумладан, хорижий инвесторларга янада қўлай шарт-шароитларни тақдим этиш мақсадида:

қайта тикланувчи энергия манбаларида ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлат органига ёки худудий электр тармоқларига ўрнатилган тарифларда, бошқа истеъмолчиларга ўзаро келишилган нархларда тўғридан-тўғри тузилган, шу жумладан, узоқ муддатли шартномалар асосида сотишга;

бошқа шахсларга тегишли объектларда, ижара ҳуқуқи асосида, қайта тикланувчи энергия манбалари қурилмаларини ўрнатиб, ушбу қурилмалардан ишлаб чиқарилган электр энергиясини сотишга рухсат берилди.

Бундан ташқари, Президентимиз томонидан 2023 йил 1 февраль куни Андижон вилоятига ташриф давомида, шунингдек, 8 февралда Тошкент шаҳрида жамоатчилик вакиллари ва мутасаддилар иштирокида ўтказилган йиғилишда аҳолининг қайта тикланувчи электр энергия ускуналларини сотиб олишни рағбатлантириш мақсадида ягона электр энергетика тизимига узатилган ҳар бир кВт-соат электр энергиясини аҳолидан республика бюджетидан ажратилдиган субсидия ҳисобидан 1 000 сўмдан сотиб олиш тартибининг жорий этиш тўғрисида ташаббус билдирилган.

Хусусан, 2023 йил 1 апрелдан бошлаб республика худудларида аҳоли хонадонларига кичик қувватли (умумий қуввати 50 кВт гача) қуёш фото электр панелларини ўрнатишни рағбатлантириш бўйича «Қуёшли хонадон» дастури амалга оширилиши белгиланди.

Дастур доирасида: ҳар ой якуни билан жисмоний шахслар томонидан ягона электр энергетика тизимига узатилган энергия ҳажми ва тизимдан истеъмол қилинган электр энергияси ҳажми ўртасидаги ижобий тафовут миқдоридан келиб чиқиб ҳисобланиши; солиқ органлари томонидан ҳар ойда «Солиқ» мобил иловаси орқали ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 25-санасига қадар фуқароларнинг банк пластик карталарига тўлаб берилиши тартиби белгиланди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги раиси **Д.СУЛТОНОВ**

Таҳририятдан: Аслида мақолада бутунлай бошқа гаплар бор эди. Масъуллар эса аравани қуруқ олиб қочибди, холос.

